



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 3 сентябр, жума № 123 (770)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Қаҳрамон бригадаси маррага етди

Марҳамат тумани У.Қорабоев номидаги хўжаликнинг Ўзбекистон Қаҳрамони Отахон Аламовтов бошлиқ бригада жамоаси йиллик пахта тайёрлаш шартнома режасини бажарди.

Бу йил жамоа 48 гектар майдонга Болгариядан келтирилган эртапишар «Белый изворь» пахта навини экиб, уни парваришlash агротехника қоидаларига тўла амал қилган ҳолда мўл ҳосил етиштиришга эришди. Режа саккиз иш кунда удаланди. Гектар бошига ўттиз центнердан кўпроқ ҳосил кўтариб, қабул пунктига 125 тоннадан зиёд пахта топширилди. Эндilikда бригада 40 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилмоқда.

(ЎЗА)

БУЮК КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ, мамлакатимизда бу йил кўплаб янги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилар учун эшик очмоқда. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 26 та ана шундай янги таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги қурилиш ва коммунал касб-хунар коллежи ҳам шулардан биридир.



«Тошуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг 159-трести бунёдкорлари томонидан барпо этилган мазкур замонавий ўқув даргоҳида 900 нафарга яқин йигит-қиз 16 ихтисослик бўйича таълим олади. Коллеж қурувчи, дурадгор, сув ва газ тармоқлари усталари, менежмент ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда бошқа соҳалар учун мутахассислар тайёрлайди.

2 сентябр куни мазкур коллежнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлағанов очди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари бу тантананинг иштирокчилари бўлиши шаҳар ва туман жамоатчилиги, шу ҳашаматли бинони қуриш қурувчиларга алоҳида миннатдорлик билдирди.

Мана шундай гўзал ва замонавий ўқув масканида таҳсил олишга тайёргарлик кўраётган ўқувчиларнинг очик чеҳраларини кўриб шу тантананида қатнашаётган киши беҳтиёр қувониб кетади, де-

ди Президент. Ёшимиз, вазифамиз мансабимиздан қатъи назар, таълим-тарбия олган ўқув даргоҳимиз, бизга билим берган, мураккаб ҳаёт йўлига қузатган ўқитувчи ва мураббийларимиз бот-бот кўз ўнгимиздан ўтади. Бизнинг, катта авлод вакиллари-нинг ўзимизнинг қандай шароитда, қандай бино ва дарсоналарда, қандай дарслигу жиҳозлар ёрдамида, хуллас, нақадар оғир аҳволда билим олганимиз ёдимиздан кўтарилгани йўқ.

Янги ўсиб келаётган авлодни ўз бағрига қабул қилишга тайёр бўлган, ҳам шаклан, ҳам мазмунан мутлақо янги ўқув масканини кўра эканмиз, бундай имкониятларга эга бўлишимиз, аввало, мустақиллик туфайли эканини барчамиз яхши англаймиз, деди Йўлбошимиз.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, одамларимиз бир ҳақиқатни тобора чуқур англаб етмоқда. Эртанги кунимиз, ҳаёти-

мизнинг фаровонлиги, замон талабларидан орақда қолмаслик, тараққий топган давлатлардан ва халқлардан кам бўлмаслик, бир сўз билан айтганда, истиқболимиз ва иқболимиз, барча эзгу ниятларимизнинг амалга оширилиши, биринчи навбатда, ўрнимизга келаётган ёш авлодни ҳар тарафлама етук инсонлар этиб вояга етказиш билан чамбарчас боғлиқ.

Шундан сўнг Президент Ислам Каримов коллежнинг ўқув хоналари, устаконалари, кишики ва ёзги спорт майдончаларини кўздан кечирди, ўқувчилар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз дарсоналарнинг замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозланганлигидан мамнуният билдириб, бундай даргоҳда таълим олаётган ёшлар она Ватан кутган буюк мақсадларни рўёбга чиқарадиган инсонлар бўлиб етишишини таъкидлади.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбари журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

бўлмайди, деди Президент Ислам Каримов.

Маросимда сўзга чиққан Оқтепа маҳалласи оқсоқоли М.Рихсиев, «Пахтакор» маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Салимова, коллеж ўқувчиси Д.Хакимова ёшларимиз таълим ва тарбиясига берилётган юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор қилдилар.

Шундан сўнг Президент Ислам Каримов коллежнинг ўқув хоналари, устаконалари, кишики ва ёзги спорт майдончаларини кўздан кечирди, ўқувчилар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз дарсоналарнинг замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозланганлигидан мамнуният билдириб, бундай даргоҳда таълим олаётган ёшлар она Ватан кутган буюк мақсадларни рўёбга чиқарадиган инсонлар бўлиб етишишини таъкидлади.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбари журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида ўзгартириб, XXI аср бўсағасида эртанги кунимизни таъминлайдиган, келажагимизнинг мустақам пойдевори бўладиган, бу соҳадаги палла-партишликларга барҳам берадиган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга оширишга давлат ва миллат манфаати нуктаи назардан қараш лозим. Зеро, ҳеч муволағасиз айтиш мумкинки, бундай ўқув масканларини бунёд этиш билан биз келажагимизнинг мустақам пойдеворини қурялмиз. Айнан шу тўшунча барчамизнинг онгимизга кириб борса, унинг кундалик ҳаётимиздаги аҳамиятини англамас, олдимизга қўйган мақсадимизга етамиз.

Буғун амалга оширган ишларимизни кегаги кунимизга солиштирсак, албатта, катта ютуқларга эришганимизни кўраемиз. Агарки, эртанги кун нуктаи назардан қарасак, бу соҳада ҳам қилинадиган ишлар талайгина. Бундай мухташам бинолар биз янги ҳаёт қуриш йўлида астойдил қадам қўяётганлигини кўрсатади. Чунки, бундай ўқув даргоҳини битириб, касб эгаллаган ёшлар кам бўлмайди, ҳаётдаги ўз мақсадига ҳам қилинадиган ишлар талайгина. Бундай мухташам бинолар биз янги ҳаёт қуриш йўлида астойдил қадам қўяётганлигини кўрсатади. Чунки, бундай ўқув даргоҳини битириб, касб эгаллаган ёшлар кам бўлмайди, ҳаётдаги ўз мақсадига ҳам қилинадиган ишлар талайгина.

Бундай мухташам бинолар биз янги ҳаёт қуриш йўлида астойдил қадам қўяётганлигини кўрсатади. Чунки, бундай ўқув даргоҳини битириб, касб эгаллаган ёшлар кам бўлмайди, ҳаётдаги ўз мақсадига ҳам қилинадиган ишлар талайгина. Бундай мухташам бинолар биз янги ҳаёт қуриш йўлида астойдил қадам қўяётганлигини кўрсатади. Чунки, бундай ўқув даргоҳини битириб, касб эгаллаган ёшлар кам бўлмайди, ҳаётдаги ўз мақсадига ҳам қилинадиган ишлар талайгина.

Беҳзод УСМОН, ЎЗА мухбири.

Бу олам ичра Ўзбекистон ягонадир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Мустақиллик байрамининг саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи, пойтахтимиз Тошкентда ўтказилган тантаналар диёримиз ҳар бир фуқаросининг қалбига фахр-ифтихор хис-туйғуларини жўш урдириди, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Куйида шу хусусдаги дил сўзлари баён этилган.

ҚАЛБИМДА ВАТАН ИШКИ

Мустақиллик байрами кўнгилларни шодликка, шукроналик туйғусига тўлдириб, ҳар бир гўшага кириб борди. Мустақиллик майдонидаги тантанаворлик, яқдиллик, улғуворлик барча қатори менинг ҳам қалбимда бир умрга муҳланди, дейди чирчиқлик нуруний Бибисора ая Шаропова.

Гўзал мадҳиямиз янграгандаги ҳолат, катта саҳнадаги бир-бирдан мазмунли, завқли театрлаштирилган чиқишлар қанчалик улғу, чин истеъдод эгалари яшайдиган халқ эканлигини яна бир бор намойиш этди. Санъатимизда Шарку Фарб маданияти уйғунлашган. Балет мактаби вакиллари-нинг чиқишларини кўриб, завқланди «биз ҳеч қачон, ҳеч қимдан кам бўлмаймиз», деб кўйдим. Байрам кунини Ўрта Осиёдаги ягона автобус

заводи - қўшма корхонанинг туҳфаси бўлган мўъжазгина автобусларни кўриб, қалбим яйраб кетди. Бор-йўғи саккиз йилда шундай ютуқларга эришдик. Худо хоҳласа, ҳали жаннатмакон юрт ўзини кўп томондан кўрсатади. Муҳтарам Президентимиз ўз нутқида барчанинг юрагидидаги фикр-ишораларидан: Жаҳон - кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакор она юртимиз, Ўзбекистонимиз - яқка-ю ягона.

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

«Пахта иши» жабр-дидасиман. - дейди андижонлик Машрабжон Иброҳимов, - Кизил империя даврида ишлаб қадр топмадим. Умр пахтазорда ўтди. Аммо, вақти келса пахтаимиз яхши-ю, ўзимиз ёмон отлик бўлдик. Бахтимизга истиқлол барча ситамлардан овоз этди. Инсондек ишлаш, яшаш, меҳ-

натининг роҳатини кўриш имкониятини яратди. Энг хурсанд бўлганим, фарзандларимиз эрк ва озолик ҳавосидан нафас олиб, улғайишмоқда. Ўғлим Азамат билан Мустақиллик байрами тантаналарида иштирок этиш насиб этди. Назаримда ҳар қандай инсонни лол қолдирадиган соҳрили томошалар фарзандим учун катта мактаб бўлди. Унинг қарашлари ўзгарди, руҳи янада тетиклашди. Катта саҳнада Ўзбекистон Қуролли қучлари вакиллари-нинг чиқишлари, шаҳдам қадамлари, Ватан посбонлари қиёфаларидаги ишонч, мардонворлик йигитга кўтаринкилик бағишлади.

Дада, мен ҳам албатта, аскарликка бораман, Ватан осойишталигини кўриқлайман, - деган сўзларидан юқоридидаги фикрга келдим.

Ёш авлодни тарбиялашда спорт алоҳида ўрин тутди. Бизнинг вилоятимизда бу муҳим масалага алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, бокс бўйича Узига ҳос тарбия мактабига эгамиз. Жаҳон рингларига галабага эришаётганлар орасида андижонликлар ҳам борлиги бизни қувонтиради. Фарзандларимиз ҳеч нарсадан кам бўлмай, камол топишаверсин.

Жиззах таровати СУВ УСТИДАГИ САҲНАДА НАМОЁН БЎЛДИ

Истиқлол шодиёнасини жиззахликлар бу йил янги жойда - шаҳарнинг айни марказида бунёд этилган Сангзорқўл дам олиш масканида нишонлашди. Ажиб бир рамзийлик: инсон манфаатлари учун хизмат қиладиган мазкур манзилгоҳ айнан мустақиллик берган имкон туфайли вужудга келди. Дам олиш масканининг меъморий ечимини ноёб: кўл ўртасида саҳна, унинг ён атрофида беш минг одам сиғадиган томошагоҳ. Шишадек тиник қўлдан эсган ёқимли шабада бу ерда ўзгача иқлимни вужудга келтирган.

Жиззахликларнинг ташаббускорлиги ва ғайрат-шижоати туфайли қад рўстлаган бу маскан Ўзбекистон мустақиллигининг саккиз йиллиги арафасида вилоятда ишга туширилган 44 та объектининг биридир. Воҳада ўз меҳнатининг самарасидан баҳраманд бўлиш, истиқлолнинг эркин имкониятларини рўёбга чиқариш ана шундай амалий ишларда намён бўлмоқда.

Бундай яратувчилик ишлари юрт кўрқига кўрк қўшаётир, одамларда истиқболга ишонч туйғусини оширмоқда. Сангзорқўл масканида намойиш этилган байрам томошалари «Меҳринг билан яшаймиз, Ватан» деган шиор остида ўтказилди. Саҳна майдони ва у ерни қирғоқ билан боғловчи кўприклар байрамбоп безатилган. Бутун атрофни

(Давоми 2-бетда)

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ЎРГАТИЛМОҚДА

Нукус шаҳридаги тил ўргатишга ихтисослаштирилган «Прогресс» маркази фаолияти янада кенгайди. Янги ўқув йилидан эътиборан Кўнгиротда унинг худудий бўлими очилди. Унда Кўнгирот, Мўйноқ, Қонқилқўл, Шуманой туманларидан келган иқтидорли ёшлар хорижий тилларни ўрганади. Малакали педагоглар юзлаб ўғил-қизларни бизнес ва тадбиркорлик сир-асрорлари билан таништиради. Уларга АҚШ ва Буюк Британиядан келган муаллимлар кўмаклашади.

САЙХУН СОҲИЛИДА ЯНГИ САВДО МАЖМУИ

Сирдарё соҳилида кўркам автосалон, дехқон ва тижорат бозори, замонавий ширкат дўконлари ҳамда маданий-маиший хизмат корхоналарини ўз ичига олган янги Чиноз савдо мажмуи фойдаланишга топширилди. Бу ерда «Асакабанк» филиали, «Автотехизмат» шохобчаси ҳам ишлай бошлади.

Тошкент вилоятининг шимоли-ғарбий дарвозаси ҳисобланган бу манзилда илгари «Балиқ бозори» бўлиб, унинг атрофи деврли ташландиқ ҳолда эди. Эндilikда шу ердан ўтувчи катта автомагистрал кенгайтирилиб, теварак-атроф ободонлаштирилди.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1 сентябр куни Дўрмон қароргоҳида Россия Федерацияси мудофаа вазири Игор Сергеевни қабул қилди.

Учрашувда Марказий Осиё минтақасидаги вазият, экстремизм ва террорчиликка қарши ҳамкорликда курашиш, шунингдек, давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот чоғида Қирғизистон жанубида юзага келган вазиятга ҳам алоҳида эътибор қара-

тилди. Экстремизм, террорчилик ва зўравонликка қарши курашда ҳамкорликда ҳаракат қилиш масаласи бўйича томонларнинг яқдиллиги аён бўлди. Мамлакатимиз Президенти Қирғизистонда юзага келган вазият шунчаки террорчилик ҳаракати эмаслигини, бунинг ортида бутун минтақадаги вазиятни издан чиқаришга қаратилган ғаразли мақсадлар ётганини таъкидлади. Россия томони ҳам бу муаммога нисбатан беъэтибор қолаётгани йўқлиги қайд этилди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номидан мустақилликнинг саккиз йиллиги муносабати билан Дўрмон қароргоҳида хорижий давлатларнинг элчихоналари ҳамда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари учун қабул маросими бўлиб ўтди.

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА БАФИШЛАНДИ

Кечада давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг ўтган давра мобайнида босиб ўтган йўли, амалга оширилган ислотлар ва уларнинг самарасини, мамлакатимиз ҳукумати-нинг келажақда устувор деб белгиланган мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлади. Самимий суҳбатларда хорижлик

дипломатлар Президент Ислам Каримовни ва бутун ўзбек халқини истиқлол байрами билан қутлади, Ўзбекистон эришаётган ютуқларга юқори баҳо бериб, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрўи тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

(ЎЗА)

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ - ЯНГИ МАКТАБДА

Охунбобоев туманидаги Фиштон қишлоғи болалар йилини 320 ўринли замонавий мактабда бошлади. Мактабда ўқувчиларнинг пухта билим олиши ва спорт билан шуғулланишлари учун барча шароит яратилган.

Бу йил вилоят бўйича етти та янги мактаб болаларни ўз бағрига олди.

ЙИГИРУВ ЦЕХИ ОЧИЛДИ

Шаҳрихон туманидаги Сегазақум қишлоғида пахта толасидан ип йиғириб, мато тўкиб жаҳон андозаларига мос кийим-кечак ишлаб чиқара оладиган тўқимачилик мажмуи «Антекс» комбинатининг йиғирув цехи очилди. Йилига 2700 тонна калава ип чиқариш қувватига эга бўлган бу цехда ҳозирдаёқ юз нафар маҳаллий ёшлар меҳнат қила бошлади. Шу йил охиригача тўқув ва бўяш цехлари ҳам фойдаланишга топширилади. Бундан сал илгари Булоқбоши туманида комбинатнинг тикув фабрикаси иш бошлаган эди. Бунинг маъноси шуки, эндиликда мамлакатимизда етиштирилаётган пахтанинг талайгина қисми ўзимизда қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ички ва ташқи бозорга чиқарилади.

Ўзбекистон ўз қаҳрамонларини кутиб олди

Ўзбекистон ахли пойтахт аэропортида Американинг Хьюстон шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича Х жаҳон чемпионати голибларини кутиб олди.

Ўткирбек Хайдаров, Мухаммадқодир Абдуллаев олис Америка қитъасида Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграшидек шарафга муяссар бўлди. Тўлқин Турғунов бронза медалини кўлга киритди.

Ўзбекистон спортчилари команда ҳисобида жаҳонда учинчи ўринни эгаллади.

(ЎЗА)



Жиззах таровати

СУВ УСТИДАГИ САҲНАДА НАМОЁН БЎЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

камалакнинг турфа ранглари чулган. Файзли оқшомга уйғунлашиб кетган гулдор шакллар гўё одамлар кувончини акс эттиргандек. Вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев Жиззахликлар байрамни қандай ютуқлар билан қарши олганликлари ҳақида гапириб берди. Ўзбекистон Қҳрамони, Ўзбекистон халқ шoirи Абдулла Орипов тўпланганларни энг улуг, энг азиз шодиёна билан кутлади.

Саҳна санъаткорлар ихтиёрига берилди. Куй ва оҳанглари, кўшиқ ва шеърларда Ватан, табаррук тупроқ, мустақиллик мадҳи тараннум этилди. Элининг эъзозли санъаткорлари - Ўзбекистон халқ артистлари Юлдуз Усмонова, Фаррух Зокиров, Ёқуб Аҳмедов, Муассар Раззоқова, Гулчехра Жамилова, ўзбек эстрадасининг ёш вакиллари

ри Достон Убайдуллаев, Паризода Эшонхўжаева, Дилноза Мирзахўжаева, Руслан Шариповлар истиклол ва она юрт шаънига баралла мадҳия ўқиди. Айни пайтда Арнасой рақосалари, Дўстлик туманидан келган оилавий ансамбль, форшлик кекса ижрочилар, бахмаллик халқ этнографик дастаси аъзолари, Жиззах туманидан ўз санъатини намойиш этган рақос йигитлар томошабинларга манзур бўлишди. Байрам дастурини даъват илҳами ва бадий ҳаваскорлар ижроси шу даражада уйғунлашиб кетдики, рақосига томошабинлар ҳам беихтиёр кўшилдилар.

— Ҳали Жиззах замини бундай тантанани кўрган эмас, - дейди «Жири» Ўзбекистон - Англия кўшма корхонаси раҳбари Раҳматилла Бустанов. - Байрамга ташриф буюрган хорижий меҳмонлар ҳам ўзбек санъатига тан беришди.

Аслида бундай мислсиз томоша бўлиши ҳам табиий, зотан, истиколимининг ўзи бетақдордир.

— Ўзимизнинг Лариса Москалева ўзбекча кўшиқларни қойиллатиб куйлаганида Жиззах қандай истеъдодли инсонлар юрти эканлигини гурурга тўлдирди, - дейди Жиззах туманидаги 17-мактаб директори ўринбосари Равшан Жўраев. - Бугунги байрамда чин маънода халқ ичига қучоқ очиб келган пойтахт санъаткорлари ташрифидан бошимиз осмонга етди.

Мустақиллик нашадаси, бунёдкорона меҳнат завқи Сангзоркўл масканидан таралган садолар оғушида бутун воҳа бўйлаб ёйилди. Халқнинг гурури ва кувончини ёрқин акс эттирган бундай байрамлар тинч ва фаровон юртимизга жуда-жуда ярашади.

Ш.ЖАБОРОВ.



АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон туманидаги Конизор қишлоғида беш минг кишидан зиёд аҳолига хизмат кўрсатадиган янги қишлоқ врачлик пункти очилди. Шифо маскани замонавий тиббий асбобускуналар билан жиҳозланди. Тумандаги 559-механизациялашган кўшма жамланма бинокорлари уни бунёд этиш учун 17 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

САМАРҚАНД САҲОВАТИ

Самарқанд тумани деҳқонлари анъанани давом эттирган ҳолда, шаҳардаги Боғишамол тумани халқи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркасини ташкил этди.

Мазкур ярмаркада тумандаги 14 та хўжалик, 2 та паррандачилик фабрикаси ва нон комбинати жамоаси ўз маҳсулотларини 20-30 фоиз арзонлаштириб, шаҳарликларга намунали хизмат кўрсатди.

Айтиш жоизки, жорий йилда туман бўйича барча жабҳаларда катта ютуқларга эришилди. Хусусан, бу йил пилла ва галладан мўл ҳосил олинди. Ҳозирда 71 минг тонна сабзавот, 15.500 тонна мева, 16 минг тонна узум, 8100 тонна картошка ҳосилини йигиб олиш давом этмоқда. Бу борада тумандаги Шароф Рашидов номи, Гулистон, Мароқанд, Дўстлик, Наврўз каби хўжаликларда баракали ҳосил қутилипти. Хўжаликларда етиштирилаётган мева-сабзавотлар эса маҳаллий корхоналарда қайта ишланади.

Суратда: Сохибкор Дилфуза Муродова.

Т.НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Адолат ойнаси

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси етти миллиондан кўпроқ аъзони ўз сафларига бирлаштирган йирик жамоат ташкилотидир. Унинг энг шарафли вазифаси меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашдан иборат. Одамлар турли қонун бузилишларидан норози бўлиб, ҳимоя қилишни сўраб қасаба уюшмаларига мурожаат қилишлари ёки мактуб жўнатиллари бежиз эмас. Қасаба уюшмаларидан ҳуқуқшунослар, иқтисодчи, муҳандислар жойларга бориб одамлар мушқулини осон этадилар, адолатни тиклайдилар.

ижтимоий муҳофаза қилаётгани акс этган. Сирдарё вилояти Ширин шаҳрида истиқомат қилувчи Н.Раҳматуллаева ёрдам беришни сўраб Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига хат ёзади. Унинг мазмуни шундай: турмуш ўртоғи Шерали Раҳматуллаев Сирдарёдан Талимаржон ГРЭСига хизмат сафарига

ногиронлигини тайин этдилар. Шунда у ўз ҳақ-ҳуқуқини ўйлаётган бошлади. Маъмуриятга тоvon пули ва бир йўла бир йиллик нафақа пулини тўлашларини сўраб мурожаат этди. Бахтга қарши, ишчининг қийналгани етмагандек мансабдор шахслар эрта кел, индин кел, дея сарсон қилавердилар. Тоқати тик бўлган чилангар ахири Темирийўл-

МЕҲНАТҚАШЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ УСТУВОР ҲИМОЯЧИСИ

Шу ўринда бўлиб ўтган бир воқеани мисол келтириш мумкин. Яқинда ўрта ёшлардаги бир аёл Федерация қабулхонасига кириб келди. Айтишича, ишлаб чиқаришда шикастланган, лекин корхона мутасаддилари ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштиришмаган, тўлини керак бўлган тоvon пулини турли важлар билан беришмаган. Аёл Федерация ҳуқуқ ва техник нозирлари қабулида бўлди. Орадан бир ҳафтала вақт ўтди. Йўлакда яна ўша аёлни кўриб қолдим. Ҳудди ёшариб кетгандай. Унинг кувониб таъкидлашича, Федерация ҳодимлари аралашуви билан қонун бўйича унга юз минг сўмдан кўпроқ пул ундириб берилибди.

Ушбу шикоятни текшириш соғлиқни сақлаш ҳодимлари қасаба уюшмаси Марказий кўмитаси меҳнат ҳуқуқ бозори К.Мухторовга топширилди. Қасаба уюшмаси ҳақиқатни изоға чиқариш учун бор имкониятни ишга солди. Пировардида марказий шифоноша бош шифокори панд еб қолди.

«Маблаг ундирилди, айбдорларга чора кўрилди» мақоласида эса қасаба уюшмаларининг ишчи ва унинг оиласини қандай юборилади. У ишлаб чиқаришда оғир шикастланади. ГРЭС маъмурияти ишлаб чиқаришда шикастланганликни беркитиш мақсадида тегишли ҳужжатларни тўлдирмаган. Ўз шахсий манфаатларини кўзлаб, ишчи ва унинг оиласини оғир аҳволга солиб қўйганлар. Инсон ҳуқуқлари камситилган. Оила бошлиғи беш ой маошнинг ўзини кўриб қолган. Хат олинган, Федерация Кенгаши дарҳол ҳодимини хизмат сафарига жўнатди ва натижада Ш.Раҳматуллаевага тегишли беш ойлик пул ундириб берилди. Ишлаб чиқаришдаги кўнгилсиз воқеани беркитиш учун уринганлари, қонун-қоидаларга хилоф равишда иш тугатилганлари учун бошқарма бош муҳандиси В.Колов, Талимаржон участкаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Н.Бердимуродов, мазкур участка устаси Э.Ҳегай ва Янги-Ангрен монтаж бошқармаси кадрлар бўлимининг бошлиғи Н.Бердимуродовга нисбатан чоралар кўрилди.

«Ўзтемирўл маштаблари» ишлаб чиқариш бирлашмасининг чилангари Ю.Кобзарь касб касаллигини орттириб олди. Шифокорлар учинчи гуруҳ

Будир ПЎЛАТОВ, «Ишонч» мухбири.

САРТАРОШУ ЭТИКДЎЗДАН ЁЛЧИШДИ

Пахтакор туманидаги Акмал Икромов номи қишлоқ фуқаролар йиғини худудидида Гулзор, Наврўз ва Дўстлик маҳаллаларида бўлсангиз «Хар маҳалла бир олам» деган нақлнинг ҳаққончилигини ишонч ҳосил қиласиз.

— Қишлоқларимизда 6972 та оила яшайди, - дейди фуқаролар йиғини раиси Озода Қўшбоқова, - Республикаимиз Мустақилликка эришган, маҳаллалар қиёфаси тубдан ўзгарди. Одамлар тадбиркорлик билан иш юрита бошладилар. Бугунги кунда савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли хизматиди.

Бир пайтлари аҳоли соч-соқол олдириш ёки суратга тушиш учун узоқ масофаларни босиб, туман марказига йўл олишарди.

Эндиликда ҳар бир қишлоққа сартарошона, суратхона, поабазал таъмирлаш устaxonалари фаолият кўрсатаёпти. Сўлим ва хушхаво жойларда қад ростлаган чойхоналар ҳамisha гавжум.

Сартарош Абдуқодир Маҳмудовнинг таъкидлашича, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига кундалик матбуот нашрлари сонма-сон келтирилди. Мижозлар навбати келгунга қадар шахмат-шашка ўйнашлари ёки телевизор томоша қилишлари мумкин.

Ҳар бир хонадонда етарли миқдорда бугдўй бор. Одамлар мавзуд 8 та тегирмондан фойдаланадилар. Маҳсулот олий навли ундан қолишмайди. Аёллар йилида «Энг яхши кўча», «Энг яхши маҳалла», «Энг яхши хонадон» кўрик танловлари ўтказилди. Натижада кўча ва ховлилар янада кўркамлашди.

Қаерда ташаббускорлик, ташкилотчилик қучоқ ёйса, ўша ерда изланиш, янгиликка интилиш бўлади. Бу эса одамларни унумли меҳнатга ундайди.

Клуб, мактаблар, чойхоналар ва гузарларда «Маънавият ва маърифат» хоналари фаолият кўрсатаёпти. Уруш ва меҳнат фаришлари, турли касб эгалари билан учрашувлар, мулоқотлар айниқса ёшларга манзур бўлаяпти. А.АЙЗОВ, «Ишонч» мухбири.

Ҳар бир оила ижтимоий ҳимояда 20 МИНГ СЎМДАН МУКОФОТ

Мустақил, Озод Ватанимиз - Ўзбекистоннинг жаҳон узра юз тутатганлиги, унда истиқомат қилаётган барча элзатларнинг катта бунёдкорлик ишлари, уларнинг бир оила аъзоларидек аҳил-иноқ яшаётганлиги бунда бош омиб бўлмоқда. Ахир қайси мамлакатда биздагидек кексаларнинг нафақалари ўз вақтида берилаётми? Қаерда биздагидек ўз юртининг фуқаролари шу қадр кучли ижтимоий ҳимояга олинган? Сўхбатдошимиз Куйи Чирчиқ туманидаги А.Навоий номи қишлоқ хўжалиги халқ корпорацияси раиси Турсунхўжа Искандаров билан бўлган сўхбатимиз ана шу ҳақда кечди.

— Мана, саккиз йилдики, ўтиш даврининг маълум бир қийинчиликлари ҳисобга олиниб, хўжалиқда 20 йилдан ортиқ ишлаган 157 пенсионерга доимий равишда моддий ёрдам бериб келинмоқда. Шу йилнинг ўзида уларга 15.700 килограмм шол бепул тарқатилди. Қасаба уюшма кўмитаси билан ўзаро келишилган ҳолда хўжалиқда истиқомат қилувчи уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва кам таъминланган оилаларга 119 минг сўм пул ёрдам тариқасида берилади.

— Кўрсатилаётган хайр-саховатнинг чеки йўқ, - дейди «Култепа» маҳалла оқсоқоли, уруш қатнашчиси Ахат ота Турмубетов, - турли байрамлар, қўтулғу кунларда моддий қийналган оилалар, етим-есирларга пул тариқасида ёки бошқа йўл билан доимий равишда ёрдам берилмоқда.

Ҳа, ўз меҳнатқашларига, унинг кек-

са-ю ёшига кўрсатилаётган меҳр-мурувват ишларини янада шижоат билан ишлашга даъват этмоқда. Хўжалик иқтисодий жиҳатдан тобора мустақамланиб бормоқда. Оддий бир мисол. Илфор пуратчи Озод Акбаров бригадасида ишчилар сони 12 нафар. Ҳар бир ишчининг йиллик даромади 627,7 минг сўмни ташкил этган. Бир ишчининг ойлик маоши 62.775 сўмдан бўлмоқда. Даромадга қараб буромад деганларидек хўжалиқдаги 2 та мактаб, 2 та болалар богчаси хўжалик ҳисобиди. Овқат пулининг 50 фоизини хўжалик ўз зиммасига олган. Врачлик амбулаторияси, 2 та гузар, отахоналар чойхонаси, шол тегирмони ишлаб турибди.

Мустақиллик кунига хўжалиқда катта тайёргарлик кўрилди. Шу кун ҳар бир маҳаллада ош дамлашиб, оммавий маданий тадбирлар ўтказилди. Ҳар бир ишчига хўжалик ҳисобидан моддий рағбатлантириш мақсадида 50 килограммдан гуруч ва ўртача 20 минг сўмдан мукофот берилди. Айниқса ночор оилалар, кексалар хурмати жойига қўйилди. «Эркин» маҳалласи оқсоқоли Қосим ота Урозов ўз миннатдорчилигини қуйидагича ифода қилади: «Шунча йил яшаб, ҳозиргидек иззат-хурмат кўрмаган эдим. Истиклол туфайли мана шундай шарафатли кунларга эришдик.»

Ҳа, юртимизнинг ҳамма ерида бўлган каби аҳолиси кучли ижтимоий ҳимояга олинган бу хўжалиқда ҳам байрам шоду хуррамликда ўтди.

Мирза ҲАМДАМ, «Ишонч» мухбири.

Қасаба уюшмаларида ҳисобот-сайлов конференциялари

Сайхунobod туман агросаноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшма кўмитаси конференцияси делегатлари асосий эътиборни камчиликлар, ечимини кутатётган муаммоларга қаратдилар.

Ҳисобот даврида кўмита томонидан тарқоқликка барҳам бериш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришда муайян ишлар амалга оширилди. Булар кўмита раиси Ф.БЕКМУРОДОВ ҳисобот мавзусида ва бошқа нотиклар фикр-мулоҳазаларида ўз ифодасини топди.

Жумладан, кейинги йилларда туман иқтисоди ноҳорлашиб қолгани, бироқ ривожланиш, қоқликни бартараф этишга бўлган интилиш борлиги таъкидланди. Айниқса, кичик ва қўшма корхоналар барпо этиш, қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучларни қайта ишлашга йўналтириш борасида изланишлар олиб боришмоқда. Туманда эронлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда бир кунда 20 тонна помидор, 5 тонна бодрич, «Кетчуп» томати ишлаб чиқарувчи «Сайхун-поя» қўшма корхонаси, хитойлик ҳамкорлар билан 150 тонна помидор, 150 тонна бодричнинг қайта ишловчи «Пахтакор-ЛТД», исроиллик тадбиркорлар билан кичик сут заводи, музқаймоқ чиқарувчи «Сайхун-

258 миллион 265 минг сўмлик озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу эса илгариги йилга нисбатан 47 миллион 641 минг сўм кўп демакдир.

Қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш борасида ҳам бу йил ишлар ясалмоқда. Утган бир йилда 25 минг 286 квадрат метр уй-жой, 325 урили янги мактаб биноси, 100 беморни қабул қи-

диллари қасаба уюшма кўмитаси ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Меҳнатқашлар ва улар фарзандаларини дам олишнинг ташкил этиш, саломатликларини тиклаш учун зарур шарт-шароит яратиш қасаба уюшмаларининг биринчи галдаги вазифалари бўлиб қолмоқда. Утган йилларда 647 нафар ишчилар республикамиз турли сihatтоҳларида ўз

жонлангирилмоқда. Туманда 10590 киши спорт тўрақларига аъзо. 12 та волейбол, 2 та баскетбол, 2 та кўл тўпи, 6 та футбол майдонлари, 2 та сув ҳавзаси, 1 та теннис корти, 2000 томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ фаолият кўрсатмоқда.

Тармоқ таркибига кирувчи қасаба уюшмаларининг барчасида ҳам аҳвол бирдек эмас. Таассуфланарли-орқада. Жамоа шартномалари бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилмаган. Тузилган шартномаларнинг 70 дан ортиқ бандлари бажарилмасдан қозғада қолиб кетаётганига тоқат қилиб бўлмайди. Жумладан, Ш.Раҳимов номи деҳқон-фермер хўжалиқлари раиси Насиба Деҳқонова қуйидаги фикрларни билдирди: - Қасабақум раиси бугуннинг одами бўлиши керак. Бозор иқтисодиёти шароитида уюшма олдига қўйилган вазифалар ўта салмоқли. Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, унинг оиласи, иш шароити турмуши, ҳулас, барчасига гамхўрлик кўрсатиш шу ташкилот зиммасидадир. Етақчи қўйинчақ бўлмас экан бирор натижага эришиш қийин. Лекин кўнчиликда бу хислат намоян бўлмайпти.

—Мамлакатимиз мустақил бўлди. Дунёвий ютуқларни қўлга киритдик, - дейди Гулистон деҳқон-фермер хўжалиқлари фермери Зулфия Очилова ўз сўзида. - Бугун ҳар бир соҳада янгилаш кечаёпти. Лекин бошлангич қасаба уюшмалари фаолларида дадиллик етишмаётгандек. Уларда мурасасозлик, масъулиятдан ўзини олиб қочиш холлари кўп. Баъзан

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

МУРОСАСОЗЛИК, ҲАДИКСИРАШ ҚАСАБАҚЎМГА ЁТ!

ДЖЕМ» корхонаси, бир кунда 2 тонна ун, 15 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Германиянинг Винклер цехи ишламоқда. Юздан зиёд хусусий корхоналар ҳам қишлоқ аҳолисининг маълум қисминини иш билан таъминлаш имконини яратди. Изланиш, интилиш туфайли туманда халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш кескин қўлайди. Маҳаллий бюджет тушумлари ўсди. Жумладан, 1 миллиард 260 миллион 498 минг сўмлик халқ истеъмолчи моллари, 1 миллиард

лишга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти, 430 квадрат метр савдо шохобчалари ва бошқалар фойдаланишга топширилди. Туманининг чекка овулларига ҳам зангори олов етиб келди. Утган мuddатда 23 километр газ, 16 километр тоза ичимлик суви қувурлари тортилди, 17 километр йўл асфальтланди. Туман иқтисодий салоҳиятини кўтариш, деҳқончиликдаги қоқликка барҳам бериш борасида ўз сафини 10 мингдан зиёд аъзо бирлаштирган АСМ хо-

си ҳали ўз вақолати доирасини тўла англаб етмаган, ишда изланишлар олиб боришга қодир бўлмаган етакчилар ҳам йўқ эмас. Аксарият хўжаликлар ишчиларга ойлик маошларини ўз вақтида тўлай олишмаётди. Бу ҳолга қўнгина қасаба уюшма фаоллари кўниқиб қолишган. Иш жойларида етарли шарт-шароит яратилиши билан қизиқилмайди. Соғлиқ учун зарарли иш шароитида меҳнат қилаётганлар учун махсус кийим-бош, сут маҳсулотлари билан таъминлаш талаблардан

Саволларингизга ҳуқуқшунос Ҳ. ПРЕМҚУЛОВ жавоб беради

САВОЛ: Оиламизда тўртта киши истиқомат қилади. Икита фарзандим бор. Эрим ҳеч жойда ишламайди. «Ёрдам пули» олиш учун ишонамдан маълумотнома сўрасам, улар ойлик маошимнинг кўлга тегишини эмас, оқладга қўшимча ҳаммасини қўшиб ёзиб беришиди. Шу тўғрими?

А.БОЗОРОВ, Қарши тумани, Бешкент шаҳри.

ЖАВОБ: Иш жойидан иш ҳақи ёки даромади ҳақида маълумотнома берилганда ходимга тўланган сума кўрсатилиши керак. Бунга асос Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 48-моддасидир. Унда жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадининг таркиби нисбатлардан ташкил топиши қайд этилган бўлиб:

«Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадида солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар, шу жумладан: меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида оладиган даромадлар; жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромади; жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятдан келадиган ялпи даромади қиради» деб кўрсатилади.

Этибор берган бўлсангиз юқорида «олиши лозим бўлган», «олган» деган сўзлар ишлатилган. Шундан хулоса қиладиган бўлсак, юқорида айтганимиздек, маълумотномада сизга тўланган даромад кўрсатилиши керак.

САВОЛ 1. Мен 4 йилдан буюн II-гурӯх ногирониман, 9 яшар ўғлим ҳам ногирон. Менга 16 ёшгача бўлган болалар нафақаси ва ёрдам пули бериладими? Уни беришда ҳам оила аъзоларининг даромади ҳисобга олиннадими? Ёки ногиронларга улардан қатъи назар тўланадими? 2. Иккинчи гурӯх ногиронла-

рига, айниқса, ўқитувчиларга иш бермай аризасиз бўшатиб юборишиди. Шу тўғрими? З.СУЛТОНОВА

ЖАВОБ 1. 16 ёшгача бўлган болаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли қарори билан тасдиқланган Низомига мувофиқ тартибга солинади. Шу Низомнинг 5-бандида айтилишича, ногирон чақалоқ (болали) оилалар, ота-онанинг иккаласи ҳам бўлмаган, болалар тарбияси билан эса қариндошлари шугулланадиган оилалар, болаларнинг ота-онасидан бири ёки иккаласи ҳам ногирон бўлган оилалар ва ота-онадан бири ёки иккаласи ҳам ишсиз бўлган, меҳнат биржасида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган оилалар нафақалар олишда имтиёзли ҳуқуққа эга эканликлари кўрсатилади.

Аммо, шунга қарамай, 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор шаҳарча, қишлоқ, овул ёки маҳалла фуқаролар йиғини томонидан, ёхуд фуқаролар йиғинини ўз вақтида чақиритишнинг имкони бўлмаган тақдирда кўчалар, турар жойлар, маҳаллалар, қишлоқлар, овуллар фуқаролари вакилларининг мажлисида қабул қилинади.

Шу билан бир қаторда шаҳарча, қишлоқ, овул ёки маҳалланинг фуқаролар йиғинлари нафақаларни тайинлашда ва тўлашда қуйидаги асосий қоидаларга:

«Ижтимоий адолат қоидаларига амал қилиш;

ошкораликни таъминлаш; катта ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида боқимандалликка, ўзининг иқтисодий фаоллиги ҳисобига эмас, балки давлат ёрдами ҳисобига яшашга интилишига амал қилиш;

болалар тарбияси учун оила масъулиятини кучайтириш, уларга жисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий ривожланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

давлат томонидан қўллаб-қувватлашсиз даромадлари жиддий оширишнинг аниқ имконияти мавжуд бўлмаган, ҳам даромадли оилаларга нафақалар бериш каби асосий қоидаларга амал қилишлари керак.

Саволларингизда «ёрдам пули» масаласига келсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 13 январдаги «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармони билан фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларига бир қатор қўшимча имкониятлар берилди. Жумладан, фойдаланиш сарф-харажатлари ва коммунал хизматлар учун тўловларни белгиланган тушумлари 100 фоиз таъминланган тақдирда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ана шу тушумлар сум-

масаласига келсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 13 январдаги «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармони билан фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларига бир қатор қўшимча имкониятлар берилди. Жумладан, фойдаланиш сарф-харажатлари ва коммунал хизматлар учун тўловларни белгиланган тушумлари 100 фоиз таъминланган тақдирда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ана шу тушумлар сум-

масаласига келсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 13 январдаги «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармони билан фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларига бир қатор қўшимча имкониятлар берилди. Жумладан, фойдаланиш сарф-харажатлари ва коммунал хизматлар учун тўловларни белгиланган тушумлари 100 фоиз таъминланган тақдирда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ана шу тушумлар сум-

Саволларингизга ҳуқуқшунос К. МУХТОРОВ жавоб беради.

САВОЛ: Иш стажим 35 йил, 2000 йилнинг феврал ойида 54 ёшга кираман ва ўша йили ёшга доир пенсия олишим мумкинми? Я.АЙТБОЕВА, Қорақалпоғистон Республикаси, Амурдара тумани.

ЖАВОБ: Болаларни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш ҳамда хотин-қизларнинг меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида 1999 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Бу қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни қайтадан мазмундаги 12-1 модда билан тўлдирилди: «12-1 модда. Умумий белгиланган ёшни бир йилга қисқартирил-

бекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Сизнинг давлат ижтимоий сугуртасидан ўтказилиши лозим бўлган ишлардаги иш стажингиз йигирма йилдан кам бўлмаса, ёшингиз 54 ёшга тўлганда ёшга доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эгасиз».

Ушбу Қонун 1999 йилнинг 1 июлидан эътиборан қучга киритилган.

САВОЛ: Амалдаги қонун асосида ходим бошқа муассасага ўтганлиги тўғрисида меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкинми?

Б.АШУРОВ, Республика 1-клиникаси собиқ шифокори.

ЖАВОБ: 1996 йилнинг 1 апрелига қадар амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари кодексининг 36-моддаси 5-бандига асосан иккала муассаса раҳбарларининг розилиги билан ишлаб турган муассасасидан бошқа муассасага ишга ўтганлиги сабабли эғаллаб турган лавозимидан озод қилинар эди ва иккинчи муассасага шу асосда ишга қабул қилинар эди.

Ҳозирги амалдаги Меҳнат кодексига ходимни бошқа муассасага ишга ўтиши муносабати билан ишдан бўшатиш ва бошқа муассасага шу асосда ишга қабул қилиш назарда тутилмаган.

Шунинг учун ходимлар сони (штати) қисқариши, муассасанинг тугатилиши ва бошқа сабаблар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан бошқа муассасага ўтиб ишламоқчи бўлса, ходим албатта Меҳнат кодексининг 107-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда ўз вазифасидан озод қилиниши (ўз ташаббуси билан, тарафдорларнинг келишувига асосан, ходимлар сони (штати) қисқариши ва ҳоказо) керак. Меҳнат кодексининг 151-моддаси асосида ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланиши шарт.

Ходим меҳнат дафтарида олинадиган сунг иккинчи бир муассасага янги ходим сифатида ишга қабул қилинади.

Демак, ходимни бошқа муассасага ишга ўтиши тўғрисида вазифасидан озод қилиниши ва шу асосда иккинчи бир муассасага ишга қабул қилиниши ноқонуний ҳисобланади.

«ИШОНЧ»НИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

масининг 20 фоиз, тушумларнинг 75 фоизидан кўпроги таъминланганда эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига тушумлар суммасининг 10 фоизи ажратилиши ва бу органлар ўз навбатида ушбу маблағларни уй-жой коммунал хизматлари ҳақидаги тўлаш учун кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларини рағбатлантириш, шунингдек, маҳаллалар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларни ободонлаштириш ишларини ўтказиш учун мақсадли фойдаланишга йўналтириш ҳуқуқи берилган.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, агар сизнинг истиқомат қилаётган жойингиздаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш

етарли далил бўлиши керак. Бу дегани, агар ходим белгиланган тартибда ногирон деб топилган бўлса, иш берувчи мана шу ходим бажараётган иш тафсилотини тўлиқ кўрсатган ҳолда унга ногиронлик белгиланган тиббиёт муассасасидан тегишли хулоса олиши керак. Агар мана шу хулосада ҳам ходим бажараётган ишга нолойқлиги кўрсатилган бўлса, у ҳолда меҳнат шартномаси тегишли қоидаларга амал қилган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

Сиз ўзингизни ноҳақ ишдан бўшатишга деб ҳисобласангиз судга, прокуратура органига ёки турар жойингиздаги меҳнат биржаси таркибидagi меҳнат ҳуқуқлари инспекторига, қасаба уюшмаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

ган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини беради.

Ушбу Қонун 37-моддасининг «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган қамда йигирма йиллик иш стажига бўлган аёллар 54 ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар».

Бу дегани, ходим давлат ижтимоий сугуртасидан ўтказилиши лозим бўлган ишларда қамда йигирма йиллик иш стажига бўлган аёллар 54 ёшга тўлганда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини бериши Қонун назарда тутди.

Яна шунга қарамай ўтиш зарурки, 54 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқи аёлнинг ўз стагаи бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Лекин 54 ёшга тўлганлигини асос қилиб, аёлларни иш берувчи томонидан мажбуран ишдан четлатишга йўл қўйилмайди.

Демак, 1999 йил 14 апрелдаги Ўз-

Бозор талаби қатъий

Ҳуқуқатимиз қарорига мувофиқ аввалги «Ўзжамгармабанк» Ўзбекистон Республикаси давлат тижорат Халк банкига айлантирилгач, тизим фаолиятида сезиларли ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади.

Ҳаммадан ҳам халқ банкларига барча турдаги солиқлардан озод қилиниб, тушум ажратмаларининг тўғридан-тўғри банк инф-структурасини ривожлантиришга йўналтирилганлиги айни мудида бўлди.

Вилоятимизда жуда кичка фуқаролик Халк банкига қарашли хизмат кўрсатиш шохобчаларининг сони уч ҳиссага ошди ёхуд Халк банки бўлимлари 390 тага етказилди. Шулардан 114 таси шаҳарда, 276 таси қишлоқ жойларидадир.

Эндилликда Халк банки тармоқларида хизмат кўрсатиш кўлами янада ошганлигини эътироф этиш зарур. Чунончи, 2 ёшгача боласи бўлган ишлайдиган оналарга бериладиган нафақа пуллари, шунингдек, кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида тарқатилиши лозим бўлган маблағларни эгаларига топшириш ҳам тўғридан-тўғри Халк банки ходимла-

ри томонидан тақдим қилинган рўйхатга биноан яқка-ёлғиз ногиронларга 1млн. сўм маблағ озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиб олиш мақсадида тунги савдо ташкилотларига кўчириб берилди. Бу борада Фиждубон, Вобкент, Жондор туман Халк банки бўлимларида олиб борилаётган ишларни ибрат қилиб кўрсатиш мумкин.

Бозор шароитидан келиб чиққан ҳолда омонатчилик қотида, албатта. Йилнинг ўтган олти-етти ойи ичида аҳолига тарқатилган индексация пуллари миқдори 450 млн. сўмга етай деб қолди.

Бунда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг уй-жой, коммунал хизматлар ва электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиниши яхшилаш чора тadbирлари тўғрисида»ги қарори мохиятидан келиб чиқиб ўтган даврда хизмат кўрсатиш режалаштирилган бўлса, аслида бу рақам 99.2 млн. сўмликни ташкил этди. Бугун банк тизимида ҳам соғлом рақобат муҳити қарор топаётди. У ҳар биримиздан пухта билим, қатъиятлик кўрсатиб ишлаши тақозо этади. Айни пайтда Халк банки бўлимларида ўз ҳисоб рақамларини очиб, биз билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиш стагаида бўлган юридик шахшлар, ташкилот ва корхоналар сони ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда 300 га яқин шундай тадбиркорларга хизмат кўрсатаёلمиз. Яқинда чет элга чиқувчилар учун ҳам қулайликлар яратишга киришдик. Уларга валюта олиб чиқишга рухсатномалар берилди бошланди. Яъни, бизга мурожаат этган фуқароларимизга валюта омонати турига ҳисоб варақалари очиб, ушбу омонат бўйича рухсатномалар ёзиб берилмаётди. Бу фуқароларимизга қимматли вақтларини тежаш имконини бермоқда.

Биз товар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб юритишга эътиборни қаратяёмиз. Ярим йилликда 16 млн. сўмлик

«Индексация» ҳисоб варақаларидан омонатчиларга нақд пулсиз ўтказиш йўли билан 31 миңдан зиёд аҳолига коммунал маблағларнинг тўловлари тўланди. Шу тариқа аҳолининг коммунал идоралари олдидagi қарзларини узиш имкониятлари яратилди.

Биз товар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб юритишга эътиборни қаратяёмиз. Ярим йилликда 16 млн. сўмлик



Қонунларга қатъий амал қилиш ҳуқуқий давлат қураётган мамлакатимиз фуқароларининг асосий бурчи ҳисобланади. Бу, айниқса, эндигина меҳнат фаолиятини бошлаётган ёш йигит-қизларга алоҳида масъулият юклайди.

ларини қонуний меъёрларга мос равишда тўлғизиш, уларга ички меҳнат интизоми ва тартиблари тўғрисида батафсил маълумотлар беради.

Суратда: Г. Мўминова компьютер мутахассиси Нурия Гасанова (ўнгда турган) ва Зейда Мелиева билан. О. АЛМАТОВ олган сурат.

Туман прокуратураси ходимлари тажрибали мутахассисларни жалб этган ҳолда қайд этилган ҳиссадорлик жамиятида аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш, ҳуқуқий ҳужжатларни қонуний асосда расмийлаштириш масалалари ҳамда аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахсларга тегишли имтиёз ва қарорларни бериш қандай йўлга қўйилганлиги юзасидан текшириш ўтказди. Натижада бу борада жиддий қонунбузарликларга йўл қўйилмаётгани аниқланди. Хусусан, ушбу йирик жамоада ишловчилар сони сўнгги ойлarda сезиларли қамайган. Сабаби, ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетди. Корхонада ишлаб чиқариш қуввати 65,9 фоизни ташкил этаётганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 81-моддасида меҳнат дафтаридаги ходим стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат эканлиги, иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган кишига меҳнат дафтарида қайси тўғри шартлиги қайд этилганлиги қарамай, жорий йилнинг биринчи чорагида қабул қилинган 19 нафар аёлнинг 12 тасига ханузгача меҳнат дафтарида очилмаган. Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Бу изоҳ талаб қилмайдиган қарор тadbир. Бирок, ажбланиладиган томони шундаки, жамиятда ишга қабул қилиш тўғрисида ҳеч қандай буйруқ чиқарилмаган. Ута муҳим ишни рас-

миллаштириш ходимларга тушунарли тарзда амалга ошириб келинган. Ҳатто махсус дафтари рақамланмаган, муҳрланмаган. Шартномалар ўз вақтида қайд этилмайди. Мисол учун бултур июл ойида тузилганлари декабр ойида рўйхатдан ўтказилган. Бундай ўзибўларчилик, палатпартишлик Вазирлар Маҳкамасининг 133-сонли қарори талабига зиддир. «Намангантекстилда» ички меҳнат тартиб қоидалари ишлаб чиқилмаганлиги сабабли меҳнат шартномаларини бекор қилишда қўпол хато, камчиликларга йўл қўйилмоқда. Исботи учун мисоллар етарли.

Мавжуд қонунга асосан охириги иш кўни меҳнат шартномаси бекор қилинган кун, деб ҳисобланади. Ўзaro суҳбатлар жараёнида сансалорлик авжига чиққан Республика Меҳнат Кодексининг 102-моддаси 2-қисми, 5-бандида: «Меҳнат шартномаси ходим айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилинган ҳолларда иш берувчи ходимни меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисида қарор қилиш мумкин» дегани аниқ қилиб кўрсатилади.

мида уч кун олдин хабардор қилади», деб белгиланган. Аммо, бу талаб ҳам кўп ўринларда бузиб келинмаётди.

1999 йил - Аёллар йили. Барча ерда хотин-қизлар ҳурматини жойига қўйиш, уларни эъозлаш, унумли ва баракали ишлашлари, умидлар билан фарзандли бўлиш орузида юрган Ж.Умарова, Г.Эргашева, М.Исмомилова, шунингдек, ҳали 18 ёшга тўлмаган Х.Йўлдошева, С.Хидирова, Ф.Абдуллаева ва ҳатто тунги сменаларга, дам олиш кунларида ишга жалб этилганликларини қандай тушуниш мумкин.

Яна бир жиддий эътироз: қабул қилинган жамоат шартномасида ҳомилдор аёллар, 14 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга тўлиқсиз иш кўни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаш ўз ифодасини топмаган. Жамиятда бўлиб, ишчи-хизматчилар билан суҳбат қилсангиз, улар меҳнатни қадрлаш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлигини афсус билан гапиришадди. Ана шундай жонли мулоқотлардан бирида М.Тожиахмедова, Б.Рустамова, М.Раҳмонова, Х.Саидова, И.Усмоноваларга 12 ёшга тўлмаган ва икки, ундан ортиқ фарзандлари борлиги қарамай, меҳнат таътилига қўшимча иш кўни қўшиб берилмаганлиги маълум бўлди.

Узини билган, иш манфаатини кўзлаган раҳбар мутахассислар, аввало, хотин-қизлар иззатини ўрнига қўяди. Қимда-қим ҳаётимиз гуллари, умрини азияр тақдирга, орзуини тилишларига, муаммоларига бепарқ қараса, охир-оқибат қаттиқ панд ёйди. Энг катта муаммолар - ҳаёт буни йиллар мобайнида тасдиқлаб келмоқда.

Д.УМАРАЛИЕВ, Давлатобод тумани прокурори ёрдамчиси.

ОҚИБАТ

Қачонки ўртада бордир оқибат,
Хаёт ҳам гузалдир, турмуш фаровон.

Оқибат туйфайли узатар кўлин,
Нотаниш киши ҳам оғир кунингда.

Оқибат туйфайли барча қариндош,
Фарзандлар бахтлидир, яшарлар иноқ.

Вақт келиб ўртадан оқибат кетиб,
Хаётнинг юзига тортилса парда.

Натижа: авж олар даъво, ҳақорат,
Биродар беҳурмат қилар бир-бирин.

Оқибат аълодир, бунга яхши бил,
Донолар сўзига доим қил амал.

ҲАМШИРА

Гар бемор юзида кўрсанг табассум,
Қувончинг уммони сигмас оламга.


Меҳнатинг дарёга қилурман қиёс,
Ўзингнинг тонг чоғи очилган гулга.

Таърифинг қуйламоқ бўлдим шу чоғлар,
Сенгадир олқишим, иззату ҳурмат.

Карим МУХТОРОВ.

Ўзбек мумтоз куйининг дунё миқёсида этироф этилиши ўлароқ турли халқлар оҳанглари кўна шаҳар - Самарқандда жамулжам этган «Шарқ тароналари» II-Халқаро мусиқа фестивали ҳақида ҳали узоқ вақт сўз очамиз. Бу табиий. Чунки фестивал халқ дипломатияси нақадар катта куч эканлигини, куй-қўшиқ, чолғу наволари тинчликни таъминлашга хизмат қилишини яна бир қарра ёдга солгандек бўлди.

Суратда: Фестивалнинг соҳир лаҳзаси.



Экранда - ёшлар ҳаёти

Республика киносчилар уйида «Ўзбекино» давлат акционерлик компаниясига қарашли «Ҳамроҳ» студиясида суратга олинган «Қора кўзлар» видеофильми тақдироти бўлиб ўтди. Икки қисмли бу янги фильм ёшлар ҳаётини олинган бўлиб, уларнинг соф севгиси, ҳақиқий муҳаббатга эришиш йўлидаги кечинмалари ва туйғулари асар гоёсини ташкил этади.

Адабиёт ахли учун истиқлол катта имкониятлар яратди. Миллий маданиятимиз, қадриятларимизнинг тадқиқ этишда мамнуъ (маън этилган) соҳаларни, мавзуларни очиб берди. Очик айтишга журъат этганларнинг аччиқ қисматларидан аламини айта олмаётган аёллар, адаб илми захматқашларининг армонларидан ўкинчи юраклари тубида сақлаган олимларимиз нури ниятлар билан адабиётимиз тарихини қайта кўришга, ўрганилмай ўтилган мавзуларни тадқиқ этишга, диний ва тасаввуфий соҳаларни ёритишга, машъум мафкура таъйиқи туйфайли муайян қисқартирилган дучор қилинган асарларни тўлдириб, изоҳ ва шарҳлар билан нашр этиш ишларини бошлаб юбордилар.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

«Мир» сўзи илк бор ўрта асрда ҳукмдорларга нисбатан «жаноб» маъносига ишлатилиб, шу мазмунда яқин асрларга етиб келган. XVI асрга қадар мамлакатдаги юксак билимли, энг ҳурматли кишилар исмига «мир» қўшиш расм бўлган. Булар ичида Мирсайид Барака Термиз Сайидзодалардан бўлиб, Амир Темурнинг пири ҳисобланарди. Темур ўз васиятида: «Менинг бошимни Мирсайид Барақанинг оёқ томонига қуйинглр» деган эди.

Зусини дардли бир армон йўсинида ўзи билан у дунёга олиб кетган ватандошимиз олим Тоҳир Чиганов 1939 йилда ўзининг «Алишер Навоий ва миллий мафкура» асариде: «Туркий маданият, туркий тил, туркий санъати иншофи заминини ҳозирлаган Туркистонда буюк туркий давлат мафкурасини тасмил этган буюк Темур бўлди.» - деб ёзган эди. «Лекин, афсуски, Темур ва теурийларнинг улкан тарихи, айниқса бизнинг мамлакатимизда, соҳибқироннинг она юртида етарли даражада ўрганилмади. Бунинг себбиси сабаблари бугун энди ҳаммага аён. Бу

ИСТИҚЛОЛ БАҲРАЛАРИ

Маълумки, мумтоз адабиёт асосида Куръони қарим ва Ҳадиси Шариф ётади. Бу муқаддас асарларнинг ўзбек тилига таржима қилиниши маданий ҳаётимизда ҳам, тадқиқотчиларнинг изланишларида ҳам муҳим ўрин тутади. Булар ҳам Истиқлол шарофатининг баҳралари бўлди.

Истиқлолнинг дастлабки 1991 йили дўриэмизда Навоий йили деб эълон қилинган эди. Навоий таваллудининг 550 йиллиги Мустақиллик байрами билан муъжиза даражасида қутлуғлини туйдим. Зероки, Алишер Навоий буюк миллатпарвар иходкор эди. Ўзбекистонимиз эса буюк миллий уйғонини, миллий ривожланиш даврига илк қадам қўймоқда эди.

Русиянинг қарийб 130 йилдан бери изчил ўтказиб келган мустамлақачилик ва улуг давлатчилик сиёсатининг оқибати бўлди.» - деб ёзади академик Б.Аҳмедов.

Навоий тантаналари йилида унинг 20 жылдик мукаммал асарлари нашр қилина бошлади. Шоир «Маҳбул-қул» асари сўнигида хар бир, асарини ўз аржуманд фарзанди деб билишини таъкидлаб ўтган эди. Минг афсуски, узоқ йиллар мобайнида Навоий асарлари қисқартирилган билан нашр этилган. Бинобарин, Навоийнинг ардоғли, қадри «Фарзандлари» - асарлари мажруҳ ҳолда намоён бўлган эди.

Истиқлол шарофатининг яна бир баҳраси ўлароқ, ҳозирги кунда нашри тугалланиб бораётган 20 жылдигида шоир асарлари мукаммал, тўлиқ тайёрланди. Навоий дoston ва насрий асарлари кенг изоҳ, шарҳлар берилди.

Темур ва теурийларга бағишланган илмий-амалий конференцияларда кўтарилган муҳим масалалар ечими, Б.Аҳмедовнинг «Тарих сабоқлари», А.Ҳайитметовнинг «Темурийлар даври ўзбек адабиёти», Т.Файзиевнинг «Темурийлар шажараси», «Темурийлар маликалари», «Мирзо Улугбек авлодлари» каби асар ва рисоалари, «Темурийлар буюв нёдорлиги давр манбаларида» тўплами ва бошқа кўп нашрлар, жумладан, Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» асарининг арабчадан У.Уватов томонидан қилинган таржимаси китобхонларда катта таважуж уйғотди.

Сунома ФАНИЕВА, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти муаллими, Абу Райхон Беруний номидаги Давлат муқофоти лауреати.

БИЛАСИЗМИ?

Жазоир нефт институтининг истаги билан халқаро тадқиқотчи олимларнинг бир гуруҳи Сахрои Кабирни ўрганиш билан машғул бўлишди. Тадқиқотчилар сахро замини остидан денгиз ҳайвони қолдиқларини топшиди.

Уларнинг фикрича, ҳозирда муз ўлкаси бўлган Антрактида бундан тахминан 450 миллион йил бурун Африка худудида, Жанубий кутб эса Сахрои Кабирнинг жануби-шарқий қисмида, экваторга яқин ерда бўлган.

Бугун негадир хўроз қичқирмасдан уйғониб кетибман. Хатто тушимда ҳам бундай эрта турмагандим. Юз-қўлимни ювиб, бундоқ қарасам бизнинг қоқ яримимиз - Гулсумахон ошхонада паловхон тўра тайёрлаётдилар. Ёқамга «туф-туф»лаб кўйдим. Бу не кўргуликки, қайнона-миз келганларида ҳам бундай эъзоз ололмасдилар. Албатта, таажжубимни яшира олмадим: — Тинчликми? — Ҳа, тинчлик... Дарвоқе, охори кийимларингизни дазмоллаб кўйдим. Кеча муқофот пули беришганди, сизга ўзингиз яхши кўрадиган туфли сотиб олдим...

ҚУВОНЧ УЛАШГАН КУН

• Ҳикоя •

Тушимда кўраётганимни деб бошимни икки қафтим орасига олиб қаттиқ қисиб кўрдим... Ош чунонам ўхшалибдики, ўзимни гўё чойхонада ўтиргандек ҳис қилиб, лаган юкига чой куйиб симирворибман. Яхши, хайрли бошланган кунимга шукроналар айтиб, йўлга тушдим: Автобус бекатдан жилган экан, мени кўрди-ю таққа тўхтади. — Алижон ака, чиқа қолинг... Югуриб чиқиб олдим-у, миннатдорчилик билдирдим. — Салонга эмас, бу ёққа, - деди у мулозамат ила ёнидан жой кўрсатиб. — Бу ерда мумкинми? — Бугун мумкин! Бу илтифотлардан га-рангсиз киссамни қавлай бошлаган эдим, сал қолса койиш эшиттаёздим. — Кўйинг, бугун шарт эмас, қолаверса ҳурматингиз бор - гап бўлиши мумкин эмас. Тавба-а, дейман, бугун Лайлатул-қадр ўтадиган

кунми ўзи, - Ҳамманинг оғзидан бол томади-я... Ишхонамга гўё учиб боргандай бир зумда етиб олдим. Доим терс юриб, шарт-шарт гапирадиган ҳисобчимиз Лобархон тирсагимдан тугиб «Муқофот пулингизга имзо чекворсангиз», деса бўлади-ми. Қарасам, кўксимга гўё каптар қамалиб қолгандек ўрагим уриши тезлашяпти. Ҳаяжонланмай бўладими, ахир, муқофот деган сўзни эшитмаганимизга ҳам бир йил бўлди-да! Дарров тилнинг тагига валидол ташлаб, ведомостга имзо чеквордик. Ўзиям - нақд уч ойлик маош микдориде-я, «Яшасин, ғамхўр қасаба уюшмаси» дейман-у ўзимни нг пошшосига лойиқ гўшт бердим. Хурматингиз бор - гап бўлиши мумкин эмас... Оғзим қулоғимда уйга келсам Гулсумахон яна ошга унанапти. Каравотнинг тўрида эса қайноғам Темиржон кўр ташлаб ўтирибди. Мени кўриши билан истиқболимга шошилди. Кучоқлашиб кўришаркан тантанавор оҳангда деди: — Гулсума, тўнни охиқ... хўжайинингни ҳақиқий куёвга айлантириб кўяй! Виллор тўнни кийдим-у тилнинг тагига яна бир валидолни ташлаб олдим. Хойнахой, хар эҳтимолга қарши-да! Ахир, умрида хатто битта музқаймоқ билан сийламаган қайно-гам бозорнинг олди — виллор тўнни кийгизиб турса, менинг эсим оғмай кимники оссин, яна. Қон босимим кўтарилди шекилли, кўз олдимни қуюқ туман қоплай бошлади. Бугунги муъжизалардан эсанкираб қолгандим. Бор кучимни йиғиб овозимга зўр бердим: — Хой, яхшилар, бугун қанақа кун ўзи?... Беўхшов товушимдан уйғониб, ўрнимдан даст туриб кетибман. Рўпарамда эса Гулсумахон кўлида бир коса сув билан анграиб турарди. — Ҳай, ҳай, дадаси, ўпкангизни босинг, эрта-лабгача алаҳсираб қандабгиз, нукул бугун қандай кун деб Улуғ, муқаддас байрам Мустақиллик кунини! Тушим ўнгидан келди. Дақиқалар қувонч бағишлади. Э бизга чинакам бахт эшигини очиб берган, одамлар чехрасига табассум, қалбига сурур бағишлаган Улуғ кунга энг азиз, энг муътабар байрамга таъзим! Уста НАБИ.

«КАРВОН - БОЗОР»га марҳамат Хурматли тағбиркорлар!

«Карвон-Бозор» ёпик турдаги акционерлик жамияти савдо комплекси кундан-кунга кенгаймоқда ва жойлар эгаларини кутмоқда: 1. Курилиш моллари ва сантехника бозоридаги бўш жойлар - 1010та 2. Марказий павильондаги бўш пештахталар - 123та 3. Марказий павильондаги бўш дўконлар - 128та 4. Марказий павильонда жойлашган буюм бозоридаги бўш жойлар - 1410та 5. 1-4 павильонлардаги бўш киоскалар - 226та 6. Умумий овқатланиш шаҳобчалари - 7та Батафсил маълумотлар учун қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат этишингиз мумкин: 170-62-57 Манзилгоҳ: Тошкент. ш. А. Икромов тумани «Ўрикзор» мавзеси «Стройгород» даҳаси. Автобуслар: 182, 33, 125.